

ҚУРИЛИШ КЛАСТЕРИ: МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА ЖОЙЛАШТИРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Абдурахманов М. А

Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация. Ўзаро боғлиқ тармоқлар гурӯхини бирлаштирган минтақавий кластерлар, яъни технологик занжир билан боғланган хомашё етказиб берувчилар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳудудий бирлашмасига асосланган корхоналар мажмуаси ҳамкорликнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Таянч сўзлар. Минтақавий кластер, ишлаб чиқариш ҳажми, қурилиш саноати, қурилиш индустрияси, стратегия, иш ўринлари, иқтисодий интеграция, драйвер, минтақа.

Ҳозирги пайтда минтақаларда қурилиш соҳасини модернизация қилиш зарурияти ва бу борада тармоқ стратегияси ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу стратегиянинг мақсади ва мазмунига кўра, қурилиш корхоналари ўртасида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ва барқарор ривожланишига имкон берувчи меҳнат кооперациясининг инновацион шаклларини яратишдан фойдаланишни талаб этди.

Замонавий шароитда ўзаро боғлиқ тармоқлар гурӯхини бирлаштирган минтақавий кластерлар, яъни технологик занжир билан боғланган хомашё етказиб берувчилар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳудудий бирлашмасига асосланган корхоналар мажмуаси ҳамкорликнинг муҳим шакли ҳисобланади. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг замонавий концепциясида иқтисодиётнинг анъанавий равишда тармоқларга ёки кичик тармоқларга бўлинishi ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Биринчи ўринда фирмалар ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар тизими, стратегик уюшмаларни яратиш, кластер ёндашувини қўллаш ҳисобланади”[1].

Минтақавий кластер анъанавий ишлаб чиқариш мажмуалари билан таққослаганда, имкон қадар маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишни бозор тамойилларига асосланади. Кластер – саноат кооперациясининг самарали механизми, чунки бундай ассоциация ташаббускорлари рақобатдош устунликларни

яратиш учун турли шаклларда бирлашиш зарурлигини англаган саноат корхоналари томонидан яратилади.

Қурилишда кластер ёндашувининг мазмунини батафсил ёритиб очиш учун кластер тушунчаси эволюциясини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Минтақавий иқтисодиёт тармоқларини кластерлаштириш назариясининг шаклланиши М. Портер асалари билан чамбарчас боғлиқдир. М. Портер нафақат алоҳида компаниялар, балки бутун тармоқлар, минтақалар ва мамлакатлар учун рақобатбардошликни таъминловчи омилларни ўрганади. Ушбу компаниялар ўз унумдорлик кўрсаткичлари бўйича рақобатлашадилар. М. Портер таърифига кўра, кластер оралиқ тушунча бўлиб, бир ҳудудда жамланган ва ўзаро таъсиредан фойдаланадиган бир-бири билан боғлиқ компаниялар ва саноат групкаларини назарда тутади. М. Портернинг фикрича: Кластерлар – “маҳсулдорликдвигателлари” дир[2].

Айни пайтда, юқори қўшимча қиймат занжири яратиш мақсадида муайян бир соҳадаги фаолият юритувчи корхоналарнинг ташкилий ва иқтисодий бирлашмалари кластерлар деб номланади. М. Портер кластерларни “географик жиҳатдан яқин корхоналар групкалари ва уларнинг қўллаб-қувватловчи инфратузилмалар” деб таъриф беради. Бу орқали корхоналарнинг бир-бирига таъсири яққолроқ намоён бўлади. “Кластер тузимасининг асосий жиҳати – бу ихтисослашган ишчи кучини жалб қила олиш, малака, билимлар, тажрибаларни кенг ёйиш ва маҳсус иқтисодий алоқаларга киришишда ифодаланади”[2].

С. А. Моҳначев ҳамда Е. С. Моҳначева: “Кластер тузилмаси турли корхоналар ва тармоқларнинг ўзаро бирлашувига асосланган тўрсимон шакл”, - деб ҳисоблайди. Муаллифлар кластер тузилмаларига таъриф беришда географик жойлашув эътибор қаратмайдилар. Кластерини тузилмаларини пировард маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотлар тўрсимон ўзаро боғланиши сифатида кўрадилар”[4].

Америкалиқ иқтисодчи П. Кругманнинг сўзларига кўра: “кластерлар ихтисослашган ишчилар учун бозорнинг таркибий элементини шакллантиради, унинг самараси ишчи ходимлар ишга жойлашишида, иш берувчи субъектлар эса керакли салоҳият ва малакага эга иш кучини қўлга кирита олишида намоён бўлади”[4]. “Кластер – бу географик жиҳатдан жамланган тегишли тармоқлардаги бир-бирига боғланган компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчи провайдерлар, тегишли соҳалардаги фирмалар, шунингдек, маълум соҳаларда уларнинг фаолияти билан

боғлиқ бўлган, рақобатлашувчи, аммо шу билан биргалиқда фаолият юритувчи ташкилотлардан иборатдир”[6].

П. А. Ларионованинг фикрича: “тизимли ёндашув нуқтаи назаридан ёндашилса, кластер – бу ўзаро муносабатлар билан бир-бирига боғланган ва натижалари бир-бирига боғлиқ бўлган, аниқ бир мақсад учун биргалиқда ишлайдиган ягона ташкилий тузилишга бирлаштирилган турли соҳаларнинг иқтисодий субъектлари тўпламидир”[7].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кластер турдош ва ёрдамчи тармоқлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ташкилий-иқтисодий шакли сифатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кенгайтиришга ва янги бозорларни ривожлантиришга ёрдам беради[8].

Фикримизча, қурилиш кластери – минтақа мавжуд қурилиш, кон саноати, қайта ишловчи саноат, ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари чуқурлашган меҳнат тақсимотига асосланган такомиллашган ташкилий шаклдир. Кластер доирасидаги минтақавий иқтисодий интеграция орқали қурилиш хизматлари сифати яхшиланади, арzonлашади ва шу негизда саноат корхоналари инвестиция харажатларини камайтиришга эришилади, Минтақа иқтисодиётида замонавий технологиялар, бошқарув услублари жорий этилиши, етказиб берувчилар ва харидорлар ўзаро ахборот алмашиши жараёнлари осонлашади. Буларга таянган ҳолда ҳудудий кластер таркибига кирувчи корхоналар юқори иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлишлари учун ҳам имконият яратилади.

Кластер муносабатлари ҳудуд ва тармоқ доирасида, шунингдек корпоратив бошқарув негизида шаклланиши мумкин. Кластерларни ташкил этишда давлат иштирокидаги вариантларни алоҳида таъкидлаш лозим. Барча ҳолларда кластерлар яхлит тузилмалар сифатида фаолият юритади. Айни

пайтда, мавжуд иқтисодий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, давлат-хусусий шериклик доирасидаги кластерларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Қурилиш кластерининг ўзига хос хусусияти – мақсадли тадбиркорлик фаолиятидир. Қурилиш компаниялари, ижро ҳокимияти органлари, молия ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтларининг минтақавий даражадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш қурилиш комплексини ривожлантиришни таъминлайди, маҳсулот ҳамда хизматлар ишлаб чиқариш жараёнининг рационаллигига ёрдам беради. Бундан ташқари, хатарларни қайта тақсимлашни ва

корхонанинг тез ўзгарувчан иқтисодий шароитида хатарларни бошқариш бўйича мослашувчан сиёсатни амалга ошириш имконини беради. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда қурилиш компаниялари томонидан рақобатбардошликни ошириш бўйича саъй-ҳаракатларнинг бундай тарздаги бирлашиши анча муваффақиятли кўриниш олган.

Илмий адабиётларда кластер амалиётининг самарарадорлигини баҳолаш ягона ёки умумий методикаси мавжуд эмас. Турли мамлакатларда қўлланилаётган математик моделларда миқдор ва сифат кўрсаткичлари ёрдамида кластерлар иштирокчилари бўлган корхоналар умумий ва хусусий иқтисодий натижалари баҳолаб борилади. Ушбу моделлар орқали мавжуд муаммолар аниқланиб, истиқболдаги режалар аниқланаб олинади. Лекин уларда кластер муносабатлари туб ҳусусиятларидан келиб чиқувчи умумий ижтимоий-иқтисодий натижалар миқдоран ифодаланмайди, хусусан, кластерни бошқариш тизимини баҳоланмайди, трансакция харажатлари тежалиши, тармоқлараро алоқалар самараси, ривожланишнинг ижтимоий томонларини эътиборга олмайди.

Қурилиш комплексининг фаолияти инвестицион жараёнларни амалга оширилиши учун хизмат қилиши билан боғлиқ равишда инвестицион қўрилиш кластерлари шакланади. Минтақавий инвестицион қурилиш кластерининг асосий субъектлари таркибига кичик, ўрта ва йирик қурилиш корхоналари, воситачилик хизматлари ва қурилиш ишлари бажарилишда таъминот хизматлари кўрсатувчилар, бозор инфратузилмаси ташкилотлари (кредит, суғурта, лизинг, логистика компаниялари, савдо воситачилари, риелтор фирмалари), илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари; касбий ва жамоатчилик ўюшмалари, савдо-саноат бўлимлари, кластер ўзининг инфратузилмаси (кластер кенгаши, бизнес инкубаторлар, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари ва бошқалар) киради.

Қурилиш соҳасида кластер муносабатлари схематик тарзда қўйидагича ифодаланиши мумкин (1.1-расм). Расмдан кластердаги муносабатларнинг кўп қиррали эканлиги кўриниб турибди. Маълумки, кластердаги муносабатлар ҳал қилувчи даражада манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик муносабатлари сифатида намоён бўлади. Кластердаги ўзаро муносабатларнинг мураккаблиги ва биргалиқдаги фаолиятнинг заминида ихтиёрийлик, кластерни бошқаришга алоҳида ва ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Унда давлат органларининг роли ҳам ўзига хос характерга эга бўлиб, улар

кластердаги муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари бўлиб майдонга чиқишлари жоиз. Умуман олганда, кластер давлат-хусусий шерикчилигини ифодалаган ҳолда хусусий корхоналар афзаликларини давлат имкониятлари билан бирлаштиришга қаратилган бўлади.


Фикримизча мураккаб тизим сифатида инвестицион-қурилиш кластерига қуйидагилар хос:

- мураккаб тизимга эга ва ўз таркибиغا қатор кичик тизимларни олади;
 - бир томондан, ташқи мұхитдан алоҳида ҳолда иш олиб боради ва иккинчи томонда эса, ташқи мұхит билан ўзаро алоқаларга киришади;
 - қисман бошқарилувчи тизим бўлиб, унда марказлашиш элементлари сақланган ҳолда тадбиркорлик субъектлари мустақил фаолият олиб борадилар. Бу субъектлар учун эса ўзини ўзи ташкил этиш ва тартибга солиш хос;
 - ҳудудий чекланган маконда жойлашган ва унинг ривожланиши шу маконнинг ривожланиши билан чамбарчас боғланиб кетган.

Инвестицион-қурилиш кластери фаолиятининг амалга оширилиши мазмуни ва оқибатлари нүқтаи назардан қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- а) элементлар таркиби ва уларнинг ҳаракатланиши бўйича:

клasterдаги иштироқчиларнинг ҳамкорликда ҳаракатланиши бундай ҳамкорликсиз эришиб бўлмайдиган янги натижалар имкониятини



1.1-расы. Худудий курилиш кластерининг намуниларини шакли¹

Myanmar Business

таъминлайди (эмержентлик – элементлар бирикмасида алоҳида элементлардан мавжуд бўлмаган янги хусусиятнинг пайдо бўлиши);

- иерархия (элементларнинг бир-бирига бўйсуниш орқали тизимнинг ташқи таъсирга нисбатан барқарорлигини таъминланиши);

- бўйсунувчанлик (тизимнинг кичик тизимларга бўлиниши ва улар ўртасида алоқаларнинг сақланиб қолиши);

- бир бутунлик (алоҳида элементларнинг бир-бирига боғлиқ эканлиги, бусиз алоҳида элемент ўз мазмунини йўқотади);

- Эҳтимоллик (тизимдаги алоқаларнинг олдиндан ва тўла белгилаб қўйилиши мумкин эмаслиги);

- кўп мезонлик (тизим фаолиятидан мақсадларнинг кўплиги).

- б) ҳаракатланиш учун хос хусусиятлар бўйича:

- интеграция (элементларнинг бирлашуви, биргаликда ишлаши, улар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб бориши);

- динамизм (тизимнинг ривожлана олиш, тинимсиз ўзгарувчанлик қобилияти);

- тескари алоқа (тизимнинг бошқарув таъсирига жавоби хақида ахборотнинг мавжудлиги);

- бошқариш (керакли натижани олиш учун тизимга таъсир кўрсатиш).

Минтақавий инвестицион қурилиш кластери фаолиятини тартиба солиш қатор тамойилларга асосланади. Улар кластернинг таркибий тузилиши ва бошқарув тизимига нисбатан талабларни белгилайди, кластердаги субъектлар фаолиятини тартиба солади. Мазкур принципларни қўйидагича баён этиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

1. Умумий принциплар:

а) илмий ёндашув – кластер фаолиятини тартиба солиш тизимили таҳлил, мажмуавий ёндашув ва бошқа илмий усусларга асосланиш жоиз;

б) тармоқ манфаатлари билан ҳудудий манфаатлар ўйғунлаштирилиши – инвестицион-қурилиш фаолият субъектлари манфаатларига риоя қилиниши ҳудуднинг ижтимоий ривожланиш эҳтиёжлари қондирилишига ҳам хизмат қилиши жоиз;

в) тизимлилик ва мажмуавийлик – тизимларни тартиба солиш назарияси қоидаларига асосланган ҳолда тартиб солувчи ва тартиба солинувчи кичик тизимларни ҳар томонлама қамраб олиниши жоиз;

г) минтақа ривожланишининг тарихий, географик, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа ўлчамларининг эътиборга олиниши;

д) кластер таркибидаги субъектлар фаолиятидаги ижобий синергизм билан улар ўртасида рақобат мұхити сақланишини самарали қүшиб олиб борилиши, кластерда соғлом, ижобий мусобақа рұхини таъминлаб турилиши.

2. Максус принциплар:

а) ишлаб чиқариш жараёнига инвестицияларнинг көнг жорий этилиши;

б) кластер ичида ахборот әркін ҳаракатланиши ва ахборот алмашинув;

в) кластер доирасидаги моддий ва номоддий ресурслардан, кластер фаолияти натижалардан барча иштирокчиларнинг фойдалана олиши (төңг ҳуқуқтар), шу жумладан давлат кафолатларидан;

г) кластер әхтиёжлари учун маҳалий ресурслардан максимал даражада фойдаланиш;

д) кластер ичида интеграциянинг түрли шаклларини ривожлантириш;

е) тармоқлараро, ҳудудлараро ва халқаро алоқаларни ривожлантириш;

ж) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.

3. Кластерга кирувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиш принциптері:

а) субъектлар фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий, экологик самарадорлиги;

б) бошқа иштирокчилар билан ҳамкорликда юқори фойдага эришиш (синергия);

в) маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш (рақобатбардошлик);

г) харажатларни пасайтириш ва тежамкорлик (шу жумладан трансакция харажатларни тежалиши);

д) түловга қобиляятли талабни максимал қондира бориш;

е) кластер доирасида мослашувчан стратегия асосида ишлаш.

Қайд этилған умумий принциплар бошқарув назарияси мөхиятидан келиб чиқади ва иқтисодий тизимларга қўйиладиган умумий талабларни ифодалайди, максус принциплар ва субъектлар фаолияти принциплари кластерни бошқариш таркибий түзилишига, унда қарор қабул қилинишига нисбатан қўйиладиган талабларни акс эттиради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР;

1. Горячев Р. А., Ромашова И. Б. Кластерный подход в инновационной политике хозяйствующих субъектов как требование времени // Экономические науки. Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. – Нижний Новгород, 2013. – №3 (3). – С. 52–59.
2. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. – С. 65.
3. Мохначев С. А., Мохначева Е. С. Тенденция кластеризации в региональной хозяйственной системе // Региональная экономика: теория и практика. – М., 2009. – № 8 (101). – С. 49–52.
4. Савельев И. А. Кластерная форма пространственной организации экономических взаимодействий // Вестник Костромского государственного университета. – Кострома, 2012. – № 4. – С. 214.
5. Ларионова Н. А. Кластерный подход в управлении конкурентоспособностью региона // Экономический вестник Ростовского экономического университете. – Ростов на Дону, 2007. – №1. – С. 182.
6. Джумаев Б. М., Мехроби И. Х. Предпосылки создания региональных промышленных кластеров в районах республиканского подчинения Таджикистана // Вестник Таджикского национального университета. Серия социально-экономических наук. – Душанбе, 2016. – № 2/4 (204). – С. 54.